БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 9 (18.785). ● Чоршанба, 1984 йил 11 январь ● Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани ва Давлат бюджети муҳокама этилиб, тегишли қонун ва қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ. 1984 йил, 10 январь. Суратда: ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети тўққизинчи сессияси президиуми. (ЎзТАГ фотоси).

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислари тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

10 январь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукуматининг аъзолари ҳукумат ложаларидан жой оладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Э. Ю. Юсупов** раислик қилади.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов** Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат **И. А. Каримов** Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва республика 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида доклад қилди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **И. К. Ҳусниддинов** Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялар номидан қўшимча доклад қилди.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан музокараларда депутатлардан: **Р. С. Ашуралиев** (288-Олмос сайлов округи), **С. Мўйдинова** (151-Комсомол сайлов округи), **Т. А. Алимов** (79-Телов сайлов округи), **Н. Иброҳимова** (6-Саноат сайлов округи), **М. Ж. Юсупов** (486-Беруний сайлов округи), **Ҳ. А. Шоғазатов** (235-Косон сайлов округи), **Ғ. Н. Насриддинов** (359-Янгиобод сайлов округи), **В. Г. Дурова** (162-Ленин сайлов округи), **Т. С. Сахатов** (240-Паландара сайлов округи), **Т. Бобоназарова** (191-Зармитов сайлов округи), **Р. Эргашев** (383-Ленин йўли сайлов округи), **И. У. Қўчқоров** (296-Сирдарё сайлов округи), **Т. Бултирова** (280-Халқобод сайлов округи), **Ғ. Н. Машарипов** (465-Янгибозор сайлов округи), **Л. А. Феоктистова** (411-Педагогика сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Совети сессия кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан докладларни муҳокама қилиб бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов** Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат **И. А. Каримов** Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1982 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет План-бюджет комиссияси ҳамда бошқа доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонунни, шунингдек Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон ССР 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги қарор бир овоздан қабул қилинади.

Олий Совет Р. Ҳ. Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Депутат **Р. Ҳ. Абдуллаева** Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар доимий комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Н. Р. Ражабов Наманган область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР қурилиш министри вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

С. М. Маҳмудов пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул этилади. **Ш. Р. Мирсаидов** Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи лавозимига тайинланади.

Шу билан ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун республика социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленумининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга доир қарорларида ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида 1984 йилдан бошлаб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳрининг, бирлашмалар ва корхоналарнинг республика социалистик мусобақасини ўтказишга қарор қилдилар.

Энг яхши кўрсаткичларга эришган республика социалистик мусобақасининг ғолибларини мукофотлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бешта кўчма Қизил байроғи таъсис этилсин:

Шундан:

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бирлашмалар ва корхоналарни мукофотлаш учун иккита Қизил байроқ ва бу ишга ихтисослаштирилмаган бирлашмалар ҳамда корхоналарни мукофотлаш учун битта Қизил байроқ пул мукофотлари билан;

министрликлар ва идораларни мукофотлаш учун битта Қизил байроқ, Қорақалпоғистон АССРни, областларни ва Тошкент шаҳрини мукофотлаш учун битта Қизил байроқ пул мукофотлари билан;

пул мукофотлари бирлашма ва корхоналарга пландан ортиқча фойда ҳисобидан (пландан ортиқча фойда етишмаган тақдирда, фойданинг эркин қолдиғидан), министрликлар ва идораларга марказлаштирилган моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш фондидан, Қорақалпоғистон АССРга, область ижроия комитетларига ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига Ўзбекистон ССР республика бюджети ҳисобидан тўлансин.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри, бирлашмалар ва корхоналарнинг республика социалистик мусобақаси шартлари тасдиқланди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, касаба союзлари республика комитетлари ва область Советларига, бирлашмалар ва корхоналарга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини янгилаш ва сифатини яхшилаш учун барча меҳнат коллективларида социалистик мусобақани кенг авж олдириш, ишлаб чиқариш қувватларидан, ишлаб чиқариш чиқитларидан, маҳаллий хом ашё ва материаллардан янада тўлатўкис фойдаланишга алоҳида эътибор бериш таклиф қилинди. Социалистик мусобақада юқори натижаларга эришган илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаси мунтазам равишда умумлаштирилсин ва оммалаштирилсин.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитиш давлат комитетига, республика газеталарининг редакцияларига коллективларнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашдаги ютуқларини мунтазам ёритиб туриш топширилди.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРИШ, ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ШАРТЛАРИ

Социалистик мусобақада Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳри, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган бирлашма ва корхоналар қатнашади. Социалистик мусобақа қатнашчиларининг куч-ғайратлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг, қўшимча резерваларни қидириб топишга, ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга, машина ва ускуналарнинг пландан ортиқча бекор туришини тугатишга, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия, меҳнат ва материал ресурсларини тежашга, аҳоли кўплаб талаб қилаётган молларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий материаллардан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан кенг фойдаланишга қаратилиши керак.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарищ ва етказиб бериш, уларнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш чиқитларидан ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳри, министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар социалистик мусобақа ғолиблари, деб топилади.

Социалистик мусобақага ҳар кварталда якун ясалади. Ҳисобот кварталга мобайнидаги якунларни чиқариш пайтида йил бошидан бери ўтган даврдаги иш натижалари ҳисобга олинади.

Социалистик мусобақани якунлаш учун материаллар ва ғолибларни кўчма Қизил байроқлар билан мукофотлаш қувватларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга, машина ва ускуналарнинг пландан ортиқча бекор туришини тугатишга, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия, меҳнат ва материал ресурсларини тежашга, аҳоли кўплаб талаб қилаётган молларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий материаллардан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан кенг фойдаланишга қаратилиши керак.

Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идораларининг бирлашмалари ва корхоналари юзасидан — Ўзбекистон ССР министрликлар ва идоралари томонидан касаба союзлари республика комитетлари билан биргаликда;

Иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхоналар юзасидан — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети томонидан область касаба союзлари Совети билан биргаликда тақдим этилади.

Материаллар ҳисобот кварталидан кейинги ойнинг 25-кунигача тақдим этилади. Кўрсатилган муддатдан кейин тушган материаллар кўриб чиқилмайди.

Социалистик мусобақани якунлаш учун ҳисобот кварталидаги ва йил бошидан буёнги маълумотлар план, унинг ҳақиқий бажарилиши, бажарилиш процценти ҳамда ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръатлари кўрсатилиб, қуйидаги маълумотлар юзасидан тақдим этилади:

халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планининг чакана нархлар ҳисобида бажарилиши;

халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши (минг сўм ҳисобида);

натура ҳолида (энг муҳим турлар бўйича) халқ истемол молларини ишлаб чиқариш;

ишлаб чиқариш чиқитларидан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;

маҳаллий хом ашё ва материаллардан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;

иш ҳақи фондининг 1 сўми ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;

меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш (процент ҳисобида);

савдо ташкилотларига халқ истеъмол моллари етказиб бериш планининг бажарилиши (минг сўм ҳажмида);

жами ишлаб чиқариш ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйилган халқ истеъмол моллари ининг салмоғи (процент ҳисобида);

янгилик «Н» индекси қўйилган ва сифати яхшиланган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш (минг сўм ҳисобида);

етказиб берилган халқ истеъмол молларининг сифати хусусида олинган шикоятлар ва ишлаб чиқаришдаги брак миқдори (бу кўрсаткични министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар тақдим этади);

стандартларнинг талабларига риоя қилмай етказиб берилган халқ истеъмол моллари учун тўланган жарима миқдори (бу кўрсаткични министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар тақдим этади);

молларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш планининг бажарилиши тўғрисидаги справка маълумотлари (бу маълумотларни министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар тақдим этади);

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, бирлашмалар ва корхоналар социалистик мусобақа якунлари юзасидан берилган пул мукофотларини халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган план ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришга энг кўп ҳисса қўшган тегишли ходимларни мукофотлаш учун сарфласинлар.

Бирлашмалар, корхоналарга берилган 2 минг сўмдан ортиқ миқдордаги пул мукофотларининг 70 процценти ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш учун; 30 процценти спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари сотиб олиш, ётоқхоналар, қизил бурчаклар, спорт заллари, майдончалари, дам олиш базалари, болалар боғча ва яслиларига адабиёт сотиб олиш учун, 2 минг сўмгача миқдордаги пул мукофотлари эса фақат ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш учун сарфланади. Директор, унинг ўринбосарлари, бош инженер ва бош бухгалтер юқори ташкилотнинг ижозати билан ойлик мансаб окладининг 25 процентигача миқдорда мукофотланиши мумкин.

Министрлик ва идорага берилган мукофотлар министрлик ва идора аппарати ҳамда уларнинг республика саноат бирлашмалари (бошқармалари) ходимларини мукофотлаш учун сарфланади.

Қорақалпоғистон АССРга, областларга ва Тошкент шаҳрига берилган мукофотлар Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва касаба союзлари область Советларининг қарорларига мувофиқ, Иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги министрлик ҳамда идораларнинг бирлашма ва корхоналари ишлаб чиқариш илғорларини мукофотлашга сарфланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВАНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Раъно Ҳабибовна Абдуллаева бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 10 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Н. Р. РАЖАБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Назир Ражабович Ражабов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ССР қурилиш министри вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 10 январь.

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

ХАЛҚНИНГ ЯКДИЛ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Халқ коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг энг яхши вакилларини СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодлари қилиб кўрсатмоқда. Совет кишилари йиғилишларда партиянинг социалистик экономиканн янада юксалтиришга, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб янги йил планнни тўла бажарибгина қолмай шу билан бирга уни ошириб бажариш учун қўшимча резерваларни қидиришга азму қарор қилганликлари билдирмоқдалар.

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига ғоят хилма-хил касб эгалари номзод қилиб кўрсатилмоқда.

Хабаровск ўлкаси Советская Гавань шаҳридаги Шимолий кемасозлик заводида бўлиб ўтган йиғилиш кема корпуси қурувчилари йириклаштирилган ихтисослаштирилган бригадасининг бошлиғи **Владимир Викторович Филинни** Шимолий сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Вологда область Чагодошча районидаги «Правда» колхози меҳнаткашлари мазкур хўжаликнинг сут согувчиси **Валентина Ивановна Макушевани** Сокольский сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1984 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ 1983 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. АҲМЕДОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Ушбу сессияси республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг, СССР Олий Совети тўққизинчи сессиясининг қарорларидан илҳомланган ва Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилган куннинг 60 йиллиги юбилейига баланд руҳ ва сиёсий активлик билан тайёргарлик кўраётган вазиятда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида мамлакат экономикасининг аҳволи кенг таърифлаб берилди, халқ хўжалигини янада ривожлантириш, экономикани бошқаришни, социалистик хўжалик юритиш услуби ва методларини комплекс такомиллаштириш соҳасида бир қанча муҳим вазифалар қўйилди.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам партиянинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Бу сиёсат совет кишиларининг манфаатларига тўла муносиб бўлиб, унинг фаровонлигини доим ошира бориб, халқ хўжалигини барқарор ва тез ривожлантиришни таъминлайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан сизларнинг муҳокамангизга қўйилган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми маъқуллаган республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани лойиҳаси беш йиллик план топшириқларига, КПСС XXVI съездининг ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ССР беш йилликнинг учинчи асосий йилини партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришиш билан якунлади. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг партия ташкилотлари раҳбарлигида фидокорона меҳнат қилганлиги натижасида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, маҳсулот турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, транспорт ва алоқани юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида ўтган йилги планларни тўла ва ошириб бажариш таъминланди.

Дастлабки ҳисобларга қараганда, ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми бир йил ичида 39 миллиард сўмдан ошиб кетди, миллий даромад эса 19 миллиард сўмга етди. Ялпи ижтимоий маҳсулот 1982 йилга нисбатан 5,5 ва миллий даромад эса 5,3 процент кўпайди. Бу эса беш йиллик планда ўтган йил учун белгиланган топшириқлардан ортиқдир. Миллий даромаднинг кўп қисми, яъни 80 процентга яқини халқ фаровонлигини юксалтиришдан иборат асосий вазифани бажариш учун сарф қилинди.

Саноат маҳсулотининг ҳажми бир йил ичида планда кўрсатилган 4 процент ўрнига 5,1 процент кўпайди. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 4,4 процент, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш («Б» группаси) 7,1 процент ортди.

Электроэнергия ишлаб чиқариш, кўмир ва газ қазиб олиш, қора металл прокати, машинасозлик, химия, енгил ва озиқ-овқат саноатининг бир қанча жуда муҳим маҳсулотларини ишлаб чиқариш йиллик планлари ошириб бажарилди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш (чакана нархларда) шундан аввалги йилдагига нисбатан 600 миллион сўм миқдорида кўпайди.

Халқ хўжалигининг асосий тармоқларида меҳнат унумдорлиги анча ўсди, олинган фойда кўпайиб, моддий сарфлар бир мунча қисқарди. Ишлаб чиқариш қувватларини иш билан тўлароқ таъминлаш, машина-ускуналарнинг бекор туришини қисқартириш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш борасида кўп иш қилинди.

КПСС XXVI съездининг қарорларига мувофиқ саноат маҳсулотининг сифатини яхшилаш ва хилларини янгилаш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бир йил ичида буюмларнинг 1000 дан ортиқ тури давлат Сифат белгиси билан чиқариб келинмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари жуда ноқулай келган об-ҳаво шароитларининг оқибатларини енгиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтиришни таъминладилар.

Пахтакорлар мураккаб шароитда пахта етиштириш ва тайёрлаш планини муваффақиятли бажариб, Ватанга 5 миллион 930 минг тоннадан ортиқ пахта бердилар. Республика пахтачилиги тарихида биринчи марта 600 минг тоннага яқин ингичка толали пахта етиштирилиб, план салкам бир ярим баравар ошириб бажарилди.

Республика ғаллакорлари 3 миллион 341 минг тонна дон, шу жумладан, 553 минг тонна шоли ва 1,9 миллион тонна маккажўхори етиштирдилар. Дон, сабзавот-полиз экинлари, мева, узум ва картошка тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. Пиллачилар катта муваффақиятларга эришиб, давлатга биринчи марта 32,7 минг тонна ёки йиллик планга нисбатан 115,1 процент миқдорида пилла топширдилар. Чорвачилик маҳсулотлари 1982 йилга нисбатан анча кўп тайёрланди.

1983 йилда капитал қурилиш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Ажратилган капитал маблағлар миқдори 1982 йилдагига нисбатан 4,4 процент кўпайиб, 6 миллиард 160 миллион сўмни ташкил этди, ишга туширилган асосий фондлар эса 9 процент ортди.

Транспортнинг ҳамма турларида юк ва пассажир ташиш, алоқа воситалари ҳажми, янги телефон станцияларини ишга тушириш бўйича бешинчи йилликнинг учинчи йили планлари ошириб бажарилди.

Темир йўл транспортининг ишида, автотранспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат корхоналарида жиддий нуқсонлар бор.

Депутат ўртоқлар! Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани лойиҳаси КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шу беш йилликда олдимизга қўйган вазифаларни изчил амалга ошириш ва аввало, халқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш мақсадини кўзда тутади.

План кўрсаткичлари уч йил ичида халқ хўжалигини юксалтиришда эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни таъминлайди.

План лойиҳаси республикамизда вужудга келтирилган илмий-техника ва ишлаб чиқариш потенциали, республикамизнинг бой минерал-хом ашё, ер ва меҳнат ресурслари каби кўлай омиллардан тўлароқ фойдаланиш асосида тузиб чиқилди.

1984 йилда республика аҳолисининг сони ўрта ҳисобда 3 процент ортиб, 17,8 миллион кишини ташкил этади. Шунга мувофиқ меҳнат ресурслари ҳам кўпаяди.

Ялпи ижтимоий маҳсулотни 4,3 процент, миллий даромадни эса 4,7 процент ошириш планлаштирилмоқда. Умумиқтисодий умумлашма кўрсаткичларига оид бундай ўсиш беш йиллик планда 1984 йилга мўлжалланган марралардан ўзиб кетишни таъминлайди.

Саноат маҳсулоти 5,4 процент кўпаяди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 5,2, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш эса («Б» группаси) 5,9 процент ортади. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни илдам ўстириш халқ фаровонлигини ҳар тарафлама жадал юксалтириш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан белгиланган режаларга мос бўлиб тушади.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 3,9 процент, шу жумладан озиқ-овқат комплекси бўйича 6,6 процент кўпайтирилади.

Республика территориясида барча молиявий манбалар ҳисобига капитал қурилиш учун ажратиб берилиадиган маблағ 6 миллиард 35 миллион сўм, яъни 1983 йил планига нисбатан 4 процент кўп миқдорда, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишларига 3 миллиард 551 миллион сўм, яъни ўтган йилдагидан 3 процент кўп миқдорда белгиланди.

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришни, аввало мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан жадал юксалтириш тенденцияси пайдо бўлди. План лойиҳаси ана шу тенденцияни мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутади Меҳнат унумдорлиги саноатда 3,3, қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилишда эса 3,4 процентдан кўпаяди. Ишлаб турган саноат корхоналарида маҳсулот ўсишининг 80 проценти, қурилишда эса қурилиш-монтаж ишларида мўлжалланган ўсишнинг бутун ҳажми меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилади.

Фан ва техникани ривожлантириш юзасидан план лойиҳасида мўлжалланган катта топшириқлар саноатнинг ҳамма тармоқларида техникани юксак даражага кўтариш, таннархини камайтириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Моддий бойлик ишлаб чиқаришни жадал ўстириш халқ фаровонлигини юксалтириш тадбирларини изчил амалга ошириш учун асос қилиб олинди.

Умуман план лойиҳасининг кўрсаткичлари беш йиллиқнинг шу йил учун белгиланган топшириқларини бажаришни, баъзи муҳим тармоқлар бўйича ошириб бажаришни ҳам таъминлайди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан интенсив омиллар ҳисобига, яъни ишлаб турган ва янгидан ишга туширилиадиган қувватлардан фойдаланишни яхшилаш, янги техника ва технологияни, меҳнатни ташкил қилишнинг бригада формаларини жорий этиш ҳисобига таъминланади. Ташкилий-техника тадбирларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта таъминлаш йўли билан маҳсулот ўсишининг 87 процентига эришилади. Маҳсулот ўсишининг 13 процентигина янги корхоналарни қуриш ҳисобига қўлга киритилади.

План лойиҳасида халқ хўжалиги ва аҳолининг ёқилғи ҳамда электроэнергияга бўлган ва ортиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида **ёқилғи-энергетика комплексига** катта эътибор берилди. 45,3 миллиард киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқариш планлаштирилмоқда. Кўмир, газ, нефть, ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш ҳажми анча ортади.

1984 йилда 300 минг киловатт қувватли янги Ангрен ГРЭСи, 60 минг киловатт қувватли Муборак ТЭЦининг биринчи энергия блокларини ишга туширишва 210 минг киловатт қувватли Тахиятош ГРЭСининг бешинчи навбатини қура бошлаш мўлжалланди. Ангрен кўмир конини реконструкция қилиш, газни қайта ишлаш қувватларини ошириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади. Янги электр линияларни, нефть ва газопроводларни ишга туширишкўзда тутилган.

Қора металлургияда ўсиш суръатлари 13,6 процент оширилда. Бир йил ичида пўлат эритиш 5,9 процент, прокат ишлаб чиқариш 39 процент ортади, 47,9 миллион сўмликдан ҳам кўпроқ сирланган пўлат идишлар ишлаб чиқарилади. Бундай идишларнинг миқдори 1983 йилга нисбатан 14,6 процент ва беш йиллик план топшириқларига нисбатан 3,2 миллион сўм миқдорида кўпайтирилади.

Рангли металлургияда беш йиллик план топшириқларини ортиғи билан бажариш планлаштирилмоқда. Руҳ, молибден, қаттиқ қотишма, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш, мис рудасини қазиб олиш ва мис катанкалар тайёрлаш кўпайтирилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рангли металл рудаларини қазиб чиқарувчи ва қайта ишлаб берувчи янги қувватларни ишга туширишпланлаштирилмоқда. Учқулоч кўрғошин-руҳ кони қурилиши ниҳоясига етказилади.

Химия ва нефть химияси саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 6,2 процент ортади. Минерал ўғит ишлаб чиқариш (тўйимли моддасини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) беш йиллик план топшириқларига нисбатан 4 процент кўпайиб, 1 миллион 470 минг тоннага етказилади. Синтетик смола ва пластмасса, тола ва ип, ўсимликларни муҳофаза қилиш воситалари, полимер қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Янги Қўқон химия заводи ва Самарқанд химия заводининг учинчи навбати ишга туширилади, Наманган химия заводини реконструкция қилиш ва Жиззахдаги пластмасса заводининг қувватини ошириш соҳасидаги ишлар тамомланади.

Планда индустриянинг етакчи тармоғи бўлмиш **машинасозлик ва металл ишлаб берувчи саноатни** ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Бу саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришни 7,1 процент кўпайтириш планлаштирилмоқда. Трактор ишлаб чиқариш 1400 дона, қишлоқ хўжалик техникаси 5,7 миллион сўмлик, пахта тозалаш корхоналари учун технология ускуналари 3,4 миллион сўмлик кўпайтирилади, куч трансформаторлари, экскаваторлар ва бошқа асбоб ускуналар ҳам кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Маданий-маиший эҳтиёжлар ва рўзғор учун керакли мураккаб техника моллари, шу жумладан, радиоэлектрон буюмлар ва ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни анча ошириш мўлжалланади.

План лойиҳасида **халқ истеъмол қиладиган моллар** ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари айниқса пухта ишлаб чиқилди. Маълумки, кейинги йилларда республикамизда бу соҳада кўп иш қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати томонидан кўрилган тадбирлар натижасида беш йиллик бошидан буён халқ учун мол ишлаб чиқарувчи корхоналар каторига яна 500 корхона қўшилди. Планда республикадаги барча саноат корхоналарини бу ишга жалб этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан, ҳам ашё ва моддий ресурслардан, маҳаллий хом ашё манбалари ва саноат чиқиндиларидан тўла фойдаланиш, молларнинг сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Бу йил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш беш йиллик топшириқларидан анча ошиб кетади ва чакана нархларда 9,4 миллиард сўм миқдорида планлаштирилмоқда. План лойиҳасида мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун кўзда тутилган тадбирлар истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ищ ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига ўтган йилги 1 сўм 22 тийин ўрнига 1 сўм 26 тийинга етказиш имконини беради.

Халқ учун мол ишлаб чиқаришда **енгил саноат** етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бу саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари (пахта тозалаш саноатидан ташқари) 4,8 процентни ташкил этади ва 4,5 миллиард сўмга етказилади. Шу билан бирга ип-газлама ишлаб чиқариш 24,6 процент, устки трикотаж 8,9, пайпоқ 9,9, кийим-кечак 7,2 процент кўпайтирилади. Сифат белгиси билан ишлаб чиқариладиган моллар маҳсулот умумий ҳажмининг 1983 йилги 16 проценти ўрнига 22 процентгача етказилади.

Бу йил тўқимачилик комбинатларининг 12 филиали ва Бухоро тўқимачилик комбинатининг охорлаш цехи комплекси ишга туширилади.

Мебель ва ёғочсозлик саноатида маҳсулот ҳажмини 7,6 процент ошириш планлаштирилмоқда. Бунга асосан ишлаб турган қувватлардан тўла фойдаланиш, корхоналарни техника билан қайта таъминлаш ва реконструкция қилиш йўли билан эришилади. Мебель ишлаб чиқариш 11,8 процент кўпайтирилади ва чакана нархларда 208 миллион сўмни ташкил этади. Шу билан бирга яхши сифатли янги мебель гарнитурларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига мебеллар ассортиментининг 20 процентидан кўпроғи янгиланади.

Маҳаллий саноат истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришда катта роль ўйнайди. Бу соноатнинг ялпи маҳсулоти 5 процент ортиб, 566 миллион сўмни ташкил этади. Бадиий керамика ишлаб чиқариш 15,3 процент, маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари 8,2, маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндиларидан тайёрланадиган маҳсулот 8,5 процент кўпайтирилади.

Саноатнинг бошқа тармоқларида, шу жумладан Иттифоқ ва Иттифоқ-республика ташкилотларига қарашли корхоналарда ҳам халқ истеъмол қиладиган молларни анча кўпроқ ишлаб чиқариш мўлжалланди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларига мувофиқ **агросаноат комплекси** тармоқлари ривожлантирилади. Белгиланган кўрсаткичлар деҳқончилик ва чорвачиликда юксак натижаларга эришишни, Озиқ-овқат программасининг топшириқларини бажаришни ва саноатнинг қишлоқ хўжалик хомашёсига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 3,9 процент, шу жумладан озиқ-овқат комплекси бўйича 6,6 процент ортади. Бу эса Ўзбекистонни Бутуниттифоқ миқёсида пахта етиштириш учун ихтисослаштиришган асосий пахта базаси сифатида сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни жадал ривожлантириш имконини беради.

Пахта етиштириш ва тайёрлаш 5 миллион 965 минг тонна, шу жумладан ингичка толали пахта 430 минг тонна миқдорида планлаштирилмоқда. Булар қуйидагича тақсимланади (минг тонна ҳисобида): Қорақалпоғистон АССР — 400, Андижон области — 590, Бухоро области — 485,7, Жиззах области — 381, Қашқадарё области — 620, Навоий области — 185,83, Наманган области — 455, Самарқанд области — 492,47, Сурхондарё области — 525, Сирдарё области — 425, Тошкент области — 425, Фарғона области — 575, Хоразм области — 405 минг тонна.

Дон етиштиришни 1983 йил планига нисбатан 4,9 процент кўпайтириш мўлжалланди. Бунга асосан донинг энг муҳим турлари — шоли ва маккажўхори етиштириш ҳисобига эришилади. Сабзавот-полиз маҳсулотлари, картошка, мева ва узум етиштириш кўпайтирилади. Ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш 5,6 процент оширилади.

Озиқ-овқат программасига мувофиқ чорвачиликни тез юксалтириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш — беш йиллик тўртинчи йилининг энг масъулиятли вазифаларидан биридир. План лойиҳасида ишлаб турган чорвачилик комплексларининг қувватидан яхши фойдаланиш, шунингдек ихтисослаштирилган бир қанча янги корхоналарни, шу жумладан 12,4 миллион бош паррандага мўлжалланган гўшт ишлаб чиқарувчи фабрикаларни, тухум қиладиган 250 минг товуққа мўлжалланган фабрикаларни, 5 минг бош қорамол боқиладиган комплексларни қуриш кўзда тутилган.

Планга мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтирилиши аҳолига жон бошига истеъмол қилиш кўрсаткичларини ошириш ва Умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб беришни, шу жумладан сабзавот, мева ва узум етказиб беришни 10-13 процент ошириш имконини беради.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш асосида давлат йўли билан харид қилишни ошириш қуйидаги миқдорларда планлаштирилмоқда (минг тонна ҳисобида): дон жами 1 миллион 100 минг, шу жумладан шоли — 450, каноп — 320, тамаки — 32, сабзавот, ва картошка — 1 миллион 852 минг, полиз экинлари — 625, мева ва узум — 875, пилла — 30, чорва мол ва парранда — 320, сут — 900, жун (соф тола) — 16,5 тухум — 1 миллиард 150 миллион дона, қоракўл тери — 2 миллион 100 минг дона.

Планда колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чоралари белгиланди. 100 минг гектарга яқин суғориладиган янги ерлар ўзлаштирилади, 80 минг гектар ернинг мелиорация ҳолати яхшиланади ва 70 минг гектар экин майдони яхшилаб текисланади. Республикадаги хўжаликлар 1984 йилда ҳар хил маркали 15,9 минг трактор, 8 минг юк автомобили, кўп миқдорда бошқа техника ва 1 миллион тоннадан ортиқ минерал ўғит (тўйимли моддасини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) оладилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш режаларига мувофиқ уларни қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланувчи тармоқларни ривожлантириш планлаштирилмоқда.

Ўзбекистон ССР Мевасабзавот хўжалиги министрлиги бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни кўп даража ошириш кўзда тутилади. Консерва ишлаб чиқариш 22 миллион шартли банка, вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,2 процент кўпайтирилади.

Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш анча ортади. Ўсимлик мойи 8,6 процент, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 7,4, балиқ овлаш 22,3 процент ортади. Нон маҳсулотлари, ичимлик, пиво ва чой ишлаб чиқаришни анча ошириш мўлжалланади. Қадоқлаб қўйилган турли маҳсулот ва болаларга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади.

Ун-ёрма ва омихта ем саноатида ишлаб чиқариш ҳажми бир йил ичида 3 процент ўсади.

Пахта тозалаш саноатини ривожлантириш пахтанинг сифатини яхшилаш ва унинг нобуд бўлишини қисқартириш тадбирларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда планлаштирилмоқда. 1 миллион 844 минг тонна пахта толаси, 34 минг тонна миқдорида каноп толасини ишлаб чиқариш мўлжалланди.

Пахта тозалаш саноати министрлиги бўйича ажратиб бериладиган капитал маблағлар беш йиллик планда кўзда тутилганидан 21 миллион сўм ортиқ бўлиб, 83 миллион сўмдан ошиб кетади.

Жамоат транспорти ва алоқа янада ривожлантирилади. Юк ташишнинг умумий ҳажми 3,2 процент, пассажир ташиш эса 8,1 процент ортади. Бетон ва асфальт ётқизилган автомобиль йўлларининг тармоғи 320 километр узайтирилади. Арис — Тошкент — Ховос ўртасидаги 186 километрлик участкада темир йўлни электрлаштиришга, Чиноз станцияси районида Сирдарёдан ўтиладиган кўприк қуришга киришилади. Йўл ва станцияларнинг бошқа участкаларини реконструкция қилиш давом эттирилади. Бир қатор область марказлари аэропортларида замонавий лайнерларни қабул қилиб оладиган янги учиш-қўниш майдонларини қуриш мўлжалланди.

Шаҳар телефон станцияларининг қуввати 57 минг, қишлоқ телефон станцияларининг қуввати эса 25 минг номер миқдорида кўпайтирилади. Алоқа маҳсулотининг ҳажми 4,6 процент ортиб, 251 миллион сўмни ташкил этади.

Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва социал соҳани юксалтириш планларини амалга ошириш ажратиб бериладиган **капитал маблағлардан** оқилона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. План лойиҳасида шу нарса ҳисобга олиниб, маблағ ва ресурсларни бир жойга тўплаш, битказилмай қолган қурилиш ҳажмларини ва айни вақтда қурилаётган объектлар сонини қисқартиришга ҳамда пировард натижада капитал қурилиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади.

1984 йилда капитал маблағларнинг умумий ҳажми 6 миллиард 35 миллион сўм, шу жумладан давлат томонидан ажратиб бериладиган маблағлар 5 миллиард 282 миллион сўм миқдорида белгиланди. Бу маблағларни экономика тармоқларига тақсимлаб бериш халқ хўжалигини пропорционал ривожлантиришни ва унинг ҳамма соҳаларида фан-техника тараққиётини тезлаштиришни таъминлайди.

Ажратиб бериладиган барча маблағларнинг бешдан тўрт қисми ишлаб чиқариш қурилишига сарф қилинади. Ёқилғи саноатини ривожлантириш учун 1,6 баравар кўп маблағ сарфланади, электроэнергетикага сарфланадиган маблағ 74 процент, машинасозликда 23, пахта тозалаш саноатида 20, химия саноатида 14 процент ортади. Енгил саноатни ривожлантириш учун 260 миллион сўм сарф қилинади.

Барча ишлар комплекси бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига 2 миллиард 455 миллион сўм, ёки капитал маблағлар умумий ҳажмининг 40 проценти сарф қилинади. Бундан ташқари, қурилиш ишларига колхозлар ўз маблағларидан 347 миллион сўм ажратиб беради.

Капитал маблағларнинг 79 проценти ўткинчи қурилишларга сарф қилинади. Қурилишга ажратиб берилган жамики маблағнинг 71 проценти ишга туширилиадиган комплекс ва объектларга мўлжалланган. Бу чора 1984 йилда муҳим ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини битказиб ишга туширишқ, халқ хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш потенциалини анча ошириш имконини беради.

Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идораларининг бир вақтда қурилаётган ишлаб чиқариш объектлари сонини 1276 тадан 1034 тагача, ёки 19 процент қисқартириш кўзда тутилади. Шу йилнинг охиригача битказилмай қолган қурилишлар ҳажми 1982 йилдаги 59 процентдан 56 процентга туширилади.

Иттифоқ-республика ва республика ташкилотлари ихтиёридаги ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта таъминлаш учун 600 миллион сўм сарф қилинади. Бу — беш йиллик топшириқларидан 16 процент ортиқдир.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш қурилишининг умумий ҳажмида уларнинг салмоғи беш йиллик планда кўрсатилган 27 процент ўрнига 31 процентгача кўпайтирилади.

Социал эҳтиёжларга 1 миллиард 56 миллион сўм ажратиб берилади. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан 6,4 миллион квадрат метрлик уй-жой фойдаланиш учун топширилади. Бу — 1983 йил учун тасдиқланган планга нисбатан 149 минг квадрат метр ва беш йиллик топшириқларига нисбатан 6,7 процент кўп. Кооператив уй-жой қурилиши ҳажми ҳам анча ўсади. Бир йил ичида ишга туширилиадиган мактаблар сони 7,4 процент ортади, мактабгача тарбия муассасаларини беш йиллик планда белгиланганига нисбатан 16 процент кўпайтириш мўлжалланди.

Қурилиш индустриясини янада ривожлантириш, пудратчи ташкилотларнинг қувватларини ошириш ва уларнинг ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлаш чоралари кўзда тутилади. Йирма темир-бетон ишлаб чиқариш 5 миллион 296 минг кубометрга етказилади. Бу — ўтган йилдагидан 18 минг кубометр кўп.

Бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари капитал қурилиш планига тамомила мувофиқ равишда белгиланди. Бинокорлик материаллари 3,6 процент кўпайтирилади. Цемент ишлаб чиқаришни 2 процент, шиферни 5,7 процент, деворбоп материалларни 13,2 процент кўпайтириш планлаштирилмоқда.

Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга доир лойиҳада белгиланган кўрсаткичлар республиканинг **ташқи иқтисодий алоқаларини** янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам негиз вужудга келтиради. Экспорт қилинадиган моллар ҳажми кўпаяди, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларга техника ёрдами янада кучайтирилади ва улар учун ишчи кадрлар ҳамда мутахассислар кўпроқ тайёрланади.

СССР Конституциясининг табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан илмий асосда фойдаланиш тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ план лойиҳасида **табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг комплекс тадбирлари** белгиланди. Шу мақсад учун 79,2 миллион сўмлик капитал маблағ сарф қилинади. Бу маблағ беш йиллик планнинг шу йил учун мўлжалланган топшириғидан 3,7 миллион сўм ортиқдир.

(Давоми учинчи бетда).

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1984 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ 1983 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

(Боши иккинчи бетда).

Юқорида кўрсатилган тадбирлар доирасида химия, металлургия, машинасозлик саноати ва бошқа тармоқлардаги бир қанча корхоналар чанг-газдан тозалаш қурилмаларининг янги қувватлари ишга туширилади; сув ресурсларини муҳофаза этиш ва улардан оқилона фойдаланиш, аввало, экинзорларни суғориш ва шўрини ювиш соҳасидаги ишлар янада кучайтирилади; ерларни қайта тиклаш, далаларни иҳота қилувчи дарахтзорлар барпо этиш ва ўсимликларни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги иш ҳажмлари оширилади.

Планда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг кўрсатмаларига мувофиқ, **ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни янада такомиллаштириш**, область ва районларнинг ишлаб чиқариш потенциалини бараварлаштириш, улардаги хўжаликларнинг комплектлиги ва ихтисослаштирилишини ошириш тадбирлари белгиланди. Қарши ва Жиззах территориал-ишлаб чиқариш комплексларини тузишни давом эттиришга, қўриқ районларни ва янгидан ташкил қилинган маъмурий районларни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Республикамизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида кичик ва ўртача катталикдаги шаҳарларнинг, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ район марказларининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, уларда янги корхона ва филиалларни жойлаштириш, маҳаллий меҳнат ва хом-ашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш соҳасида кенг миқёсда олиб борилаётган ишлар давом эттирилади.

Беш йилликнинг тўртинчи йили **хўжалик юритиш ва бошқаришнинг янги усулларини** амалга оширишда муҳим босқич бўлиб қолади. Саноатни норматив соф маҳсулот кўрсаткичига кўчириб планлаштириш асосан тугалланади. Прогрессив норма ва нормативларни қўлланиш, қўл меҳнатини қисқартириш, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бригада формаларини кенгайтириш, автоматлаштирилган бошқариш системаларини ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш соҳасидаги ишларнинг катта ҳажмлари белгиланди.

КПССнинг XXVI съезди белгилаб берган ва узоқ муддатга мўлжалланган социал программага мувофиқ, **социал ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш** кўрсаткичлари план лойиҳасида ўз аксини топди. Аҳоли моддий турмуш даражасининг ўсиши, энг аввало иш ҳақининг ошиши, шунингдек, ижтимоий истеъмол фондаларидан тўлов ва енгилликлар бериш билан таъминланади. Аҳолининг пул даромадлари бир йил ичида 4 процент, аҳолининг жон бошига ўрта ҳисобда тўғри келадиган реал даромадлар эса 3,2 процент кўпаяди.

Чакана товар оборот 13 миллиард 750 миллион сўм миқдорида белгиланди. Бу оборот 6,9 процент ортади. Аҳолига энг керакли озиқ-овқат маҳсулотлари —гўшт, сут, тухум, балиқ, сабзавот ва мева, шунингдек энг муҳим саноат моллари — ипгазлама ва шойи газлама, трикотаж буюмлар ва кийимкечак, мебель, транспорт воситалари, радио моллари ва бошқа моллар анча кўп миқдорда сотилади.

Маиший хизмат ҳажми 16,9 процент кўпайтирилади. Коммунал хизматни анча ошириш ва аҳолини сув билан яхши таъминлаш тадбирлари кўзда тутилади. Коммунал хўжалигини ривожлантириш учун салкам 120 миллион сўм сарф қилинади.

Тошкент метрополитени қурилиши давом эттирилади, «Пахтакор» станциясидан темир йўл вокзалига олиб борадиган иккинчи линиянинг биринчи навбати ишга туширилади.

Яна 41 та умумий таълим мактаби ташкил қилиниб, уларнинг сони 7625 тага етказилади, бу мактабларда ўқувчилар сони 77 минг нафар кўпайиб, 4 миллион 144 минг кишидан ҳам ошиб кетади. Мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони 1,3 миллион нафарга етади, ана шу муассасалар билан таъминлаш эса 1983 йилдаги 39,7 процентдан 42,9 процентгача кўпайтирилади.

Халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. 1984 йилда олий ўқув юртларини 48,4 минг киши, техникумларни 76,8 минг киши битириб чиқади, ҳунартехника билим юртларида ва бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида 418 минг малакали ишчи тайёрланади.

Соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт янада ривожлантирилади. Маданий-маърифий муассасалар шохобчалари кенгайтирилади.

План лойиҳасида моддий ишлаб чиқариш соҳалари ва ишлаб чиқариш билан алоқаси бўлмаган тармоқларнинг ривожлантирилишини таъминлайдиган миқдорда **моддий-техника ресурсларини ажратиб бериш** кўзда тутилган. Хом ашё материаллар ва бошқа маҳсулотларни оқилона сарфлаш мақсадида машинасозлик, металл ишлаш саноатида моддий ресурсларни, ёғоч-тахталарни сарфлаш нормалари, шунингдек капитал қурилишда материалларни сарф қилиш нормалари белгиланди.

Планда белгиланган қозон-печ ёқилғисини, — электр ва иссиқлик энергиясини, қора ва рангли металлар прокатини 3 процентга қадар; ёғоч-тахта материаллари сарфини 4,5—5 процентгача камайтириш; шунингдек ресурларнинг бошқа турлари бўйича ҳам камайтириш ёқилғи энергетика ресурсларини иқтисод қилишни кучайтиришга ёрдам беради.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш плани хўжаликни бошқаришни юксак даражага кўтариб, ишлаб чиқариш потенциалидан, барча моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан тўлароқ фойдаланишни таъминлайди. Бу планнинг бажарилиши ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, умумиттифоқ меҳнат тақсимотига республикамизнинг қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришда, халқ фаровонлигини муттасил юксалтиришда муҳим босқич бўлади.

Ҳамма жойда давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг қарорлари асосида 1984 йил планини ва умуман беш йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш — белгиланган марраларга эришишнинг энг муҳим шартидир.

Республикамизнинг меҳнаткашлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида беш йилликнинг тўртинчи йилида экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришадилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 60 йиллигини КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини бажаришда янги зафарлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1984 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Молия министри, депутат И. А. КАРИМОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистоннинг 1984 йилги Давлат бюджетини сизларнинг муҳокама қилиб тасдиқлашингиз учун тақдим этади.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йилги декабрь Пленуми партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг йўлини давом эттириб, ҳозирги босқичда жамиятимизни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини чуқур ва ҳар тарафлама кўриб чиқди, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги конкрет вазифаларини белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1984 йилги Давлат планини ва Давлат бюджетини тасдиқлаган ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси материалларида партия билан давлатнинг халқ фаровонлигини яхшилаш, халқнинг ижодий меҳнати учун тинч шароитларни таъминлаш тўғрисидаги кундалик ғамхўрлиги ўзининг яққол ифодасини топди.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқдалар, фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, Ер юзида тинчликни ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаганликларини билдирмоқдалар.

Республикада КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида аниқ мақсадни кўзлаб изчиллик билан қилинаётган ишлар, давлат, план, молия ва меҳнат интизомини, ишда кадрларнинг уюшқоқлиги ва жавобгарлигини ошириш учун кўрилаётган конкрет тадбирлар 1983 йилги план топшириқларини ва бюджетини тўла ва ошириб бажариш учун мустаҳкам асос яратди.

Ўтган йилда республикада иқтисодий ўсиш суръатлари анча тезлашди, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилди, меҳнат унумдорлиги ошди. Озиқ-овқат программаси изчиллик билан бажарилмоқда. Аҳолининг реал даромадлари кўпайди, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришда сифат жиҳатидан ўзгаришлар рўй берди. Социал ва маданий қурилишда, фан ва техникани ривожлантиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди.

Экономика ва маданиятни юксалтиришда эришилган ютуқлар бюджетни ижро этишда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 7 миллиард 954,6 миллион сўм миқдорида ёки 101,8 процент бажарилди; харажатлар бўйича 100 процент бажарилди.

Қорақалпоғистон Автоном республикаси, ҳамма областлар ва Тошкент шаҳри даромадлар бўйича ҳам, харажатлар бўйича ҳам бюджетни бажарди.

Совет, хўжалик ва молия органлари жойларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжаликни тежамкорлик асосида бошқариш ҳисобига ички хўжалик резервларини қидириб топиш ва ишга солиш соҳасида анча иш қилдилар. Бюджетни ижро этиш давомида мазкур манбалар ҳисобидан қўшимча равишда 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ ишга солинди. Бу маблағлар бир қанча министрлик ва идораларга қарашли корхоналар ҳамда ташкилотларга зарур ёрдам бериш ва уларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, маориф, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун сарфланди.

Партия ютуқларимизни муносиб баҳолаш билан бирга камчиликларни ҳам кўриб турибди, халқ хўжалигида тўла-тўкис ишга солинмаган резерварларни ва имкониятларни аниқ-равшан баҳоламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида мана шу камчиликлар ва резервлар ҳақида жуда принципиал ва ленинча талабчан гаплар айтилди.

Айрим корхона ва ташкилотлар белгиланган топшириқларни ва шартнома мажбуриятларини ҳали ҳам яхши бажармаяптилар, пландан ортиқча ҳаражат бўлишига йўл қўймоқдалар, ўзларининг оборот маблағларини планда кўрсатилмаган ишларга сарф қилиб юбормоқдалар. Анчагина корхоналар 1983 йилда фойда олиш планини ва бюджетга пул тўлаш топшириқларини бажармадилар. Республикадаги баъзи министрликлар, идоралар оборот солиғи бўйича бюджетдан қарздор бўлиб қолдилар. Бу эса республика бюджетини ва маҳаллий бюджетларни бажаришда катта қийинчилик туғдирди.

Мана шуларнинг ҳаммасидан биз зарур хулоса чиқариб олишимиз, план топшириқлари нима учун бажарилмаётганини чуқур текшириб, билиб олишимиз, 1984 йилдаги ишда бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1984 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Ўзбекистон ССР нинг 1984 йилги Давлат бюджети лойиҳаси партия XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг халқ хўжалигидаги энг муҳим масалалар ва социал проблемаларга оид кўрсатмалари асосида ишлаб чиқилди.

Бюджет республиканинг 1984 йилги Давлат плани лойиҳасига тўла мувофиқ равишда тузилди ва партиямизнинг экономика самарадорлигини оширишга, халқ хўжалигида иқтисодий тежашни кучайтиришга, халқ фаровонлигини доимо оширишни кўзлаб, барча тармоқларни тез ривожлантиришга қаратилган йўлини ифодалайди.

Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича 7 миллиард 405,6 миллион сўм миқдорида белгиланди. Бу Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1983 йил учун белгиланган бюджети ҳажмидан 10,8 процент кўпдир.

Бюджетнинг даромад қисми қуйидаги манбалардан олинади: социалистик хўжаликдан олинадиган тушумлар бюджет даромадларининг 80 процентдан кўпроғини, оборотдан ва фойдадан олинадиган солиқнинг салкам 70 процентини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни ўстириш, мол сотишни кўпайтириш ва молларнинг турлари ҳамда сифатини яхшилаш ҳисобига оборот солиғи 3 миллиард 676,9 миллион сўмни ташкил қилади, яъни 1983 йилга нисбатан 9,6 процент кўпаяди.

1984 йилда халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳаммаси бўлиб 2 миллиард 515,7 миллион сўм фойда олиш мўлжалланмоқда, яъни 1983 йил учун тасдиқланган фойда планидан 9,4 процент кўп фойда олинади.

Белгиланган иш ҳақи фонди ва амалдаги ставкаларга биноан аҳолидан олинадиган давлат солиқлари 924,7 миллион сўм миқдорида белгиланди. Бюджетнинг даромадларида бу солиқнинг улуши атиги 12,5 процентни ташкил қилади.

Бюджетнинг харажатлари асосий соҳалар бўйича қуйидаги миқдорда белгиланди:

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Бюджет лайиҳасида халқ хўжалигини пул билан таъминлашга 3 миллиард 572 миллион сўм, яъни 1983 йил учун тасдиқланганига қараганда 17,2 процент кўп маблағ бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари корхоналарнинг ўз маблағи ва банк кредитларидан яна 3 миллиард 539,1 миллион сўм миқдорида, ҳаммаси бўлиб эса халқ хўжалигини ривожлантиришга 7 миллиард 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.

Иқтисодий рағбатлантириш фондлари 415 миллион сўмни ташкил қилади, корхоналарнинг ўз оборот маблағи нормативининг умумий миқдори эса 1984 йилнинг охирига бориб 3 миллиард сўмдан ошиб кетади, бу эса халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишлаб чиқариш программасини бажаришни зарур ресурслар билан таъминлайди ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришдан меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини оширишга ва энг юқори натижаларга эришишга ёрдам беради.

САНОАТНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

1984 йилги бюджет лойиҳасида саноатни ривожлантиришга 444,6 миллион сўм ёки 1983 йилга нисбатан 28 процент кўп маблағ ажратиш белгиланган. Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, асосий фондларни кенгайтириш ва янгилаш, хом ашё ва ёқилги-энергетика базасини кучайтириш ишларини тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда.

Халққа керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, сифатини яхшилашга ва аҳолининг ўсиб бораётган талабларини қондиришга алоҳида эътибор берилади.

Асосан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган енгил ва озиқ-овқат саноатини, гўшт ва сут саноатини, маҳаллий саноатни, балиқ хўжалигини ривожлантириш учун 300 миллион сўмдан кўпроқ, яъни саноатни ривожлантиришга бериладиган маблағнинг 70 процентини сарфлаш планлаштирилмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Бюджет лойиҳасида агросаноат комплекси тармоқларини тезроқ ривожлантиришга катта аҳамият берилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга колхозлардан ташқари хўжаликларнинг ва бюджетнинг маблағидан 2 миллиард 930 миллион сўм пул ажратиш кўзда тутилади.

Қишлоқ хўжалигини моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада кенгайтириш таъминланади. Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг 1984 йилда оладиган фойдаси 605,5 миллион сўм миқдорида белгиланган, бу маблағнинг деярли ҳаммаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини вужудга келтиришга сарфланади.

Кам рентабелли ва зарар кўрувчи колхозларга бюджет маблағи ҳисобидан уй-жой, маданий-маиший объектлар ва йўл қурилиши учун 63 миллион сўм ва хўжаликлар топширадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотига қўшимча пул тўлаш учун 165 миллион сўм бериш мўлжалланмоқда.

Мелиорация ишларини ўтказишга 727 миллион сўм ажратилади, бу эса янги суғориладиган ерларни ишга солиш имконини беради.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Капитал қурилишни пул билан таъминлаш бюджетда катта ўрин олади. Иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1984 йилги плани лойиҳасида кўзда тутилган давлат капитал қурилиши ҳажмига асосланиб шу ишларни пул билан таъминлаш харажатлари 2 миллиард 963,8 миллион сўм миқдорида белгиланди. Шу жумладан, бюджетдан 1 миллиард 521,3 миллион сўм ёки бу ишга сарфланадиган ҳамма маблағнинг 51,4 проценти ажратилади.

План лойиҳасида қурилишдаги ички ресурсларни ишга солиш учун ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг норматividан ортиқча запасларини қисқартириш ва қурилишлардаги бошқа моддий бойликларнинг запасларини камайтириш йўли билан 121,7 миллион сўм миқдоридаги топшириқ кўзда тутилмоқда.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ, АВТОТРАНСПОРТ ВА АЛОҚАНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

1984 йилги бюджет лойиҳасида уй-жой-коммунал хўжалигига, автотранспорт ва алоқага 460,1 миллион сўм маблағ бериш кўзда тутилган, бу маблағ мазкур тармоқларни планга мувофиқ янада ривожлантиришни пул билан тўла-тўкис таъминлайди.

1983 йилга нисбатан шаҳарларни ва район марказларини ободонлаштириш, маҳаллий Советларининг уй-жой фондини капитал ремонт қилиш, квартираларни газ билан ва иссиқ сув билан таъминлаш харажатлари кўпаяди. Бу ишларга 1984 йилда 110 миллион сўм сарф қилинади.

САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Партия билан давлатнинг аҳоли ошиб бораётган талабларини яна тўла-тўкис қондириш мақсадида савдони ва маиший хизматни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги жуда муҳим кўрсатмаси республикада изчиллик билан бажарилмоқда.

Бунинг учун бюджет лойиҳасида савдо ва маиший хизмат харажатларини 1983 йилга нисбатан икки баравар кўп қилиб, яъни 101,7 миллион сўм миқдорида белгиланган.

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Совет кишиси тўғрисида, унинг ҳаётини яхшилаш ҳақида қилинаётган ғамхўрлик партия билан давлатнинг халқ маорифини, соғлиқни сақлашни ва социал таъминотни ривожлантиришга катта эътибор бераётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар 3 миллиард 571,1 миллион сўмни ташкил қилади ва 1983 йилга нисбатан 5 процент кўпаяди.

Умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртларида, ўрта махсус ўқув юртларида ва ҳунар-техника билим юртларида халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш янада ривожланади. Маориф учун бюджетдан ажратилган маблағ 4,7 процент кўпаяди ва 1 миллиард 950,2 миллион сўмга етади.

Соғлиқни сақлаш ва физкультурага бюджетдан 845,4 миллион сўм ёки 1983 йилга нисбатан 5,8 процент кўп пул берилади.

Социал таъминот, пенсия ҳамда кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақа тўлашга 775,5 миллион сўм ёки 4,9 процент кўп маблағ ажратилган.

БОШҚАРУВНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

1984 йилда халқ хўжалигидаги бошқарувни такомиллаштириш иши давом эттирилади, бошқарувни ихчамлаштириш ва арзонлаштириш, айрим тармоқлардаги ортиқча ва такрорий бўғинларни тугатиш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Республиканинг 1984 йилги бюджети лойиҳасида бошқарув аппарати харажатларини қисқартириш йўли билан 23,5 миллион сўмни тежаб қолиш белгиланган.

Бюджет ҳисобига бошқарув органларини сақлаш харажатлари 90,3 миллион сўмни ёки бюджет харажатларининг атиги 1,2 процентини ташкил қилади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ, ОБЛАСТЛАРНИНГ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ БЮДЖЕТЛАРИ

Республиканинг 1984 йилги плани ва бюджети лойиҳаларида Қорақалпоғистон АССРни, областларни ва Тошкент шаҳрини социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг катта программаси кўзда тутилган.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг лойиҳалари Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетига ҳаммаси бўлиб 2 миллиард 616,2 миллион сўм миқдорида ёки 1983 йилга нисбатан 4,8 процент кўп қилиб киритилган.

Жумладан	(миллион сўм)
ҚҚАССР	251,7
областлар:	
Андижон	206,4
Бухоро	138,9
Жиззах	92,7
Қашқадарё	173,2
Навоий	71,9
Наманган	163,3
Самарқанд	237,2
Сурхондарё	145,2
Сирдарё	88
Тошкент	261
Фарғона	255,9
Хоразм	121,5
Тошкент шаҳри	408,6

1984 йилда маҳаллий бюджетларнинг харажатлари республика Давлат бюджети харажатларининг қарийб 36 процентини ташкил этади.

Республиканинг 1984 йилги бюджети харажат қисмининг энг муҳим моддаларини умумлаштириб, аввало шуни таъкидлаш керакки, бу моддаларда партиямиз Программасида белгилаб қўйилган қоидалар ўзининг яққол ифодасини топган. Совет кишиси тўғрисида, унинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, халқнинг моддий ва маданий савиясини ошириш партиянинг олий мақсадидир.

Бу ғамхўрлик аҳолининг пул ва реал даромадларини планга мувофиқ кўпайтиришда, уй-жой ва коммунал қурилишни кенгайтиришда, аҳолига савдо, маиший ва маданий хизматни яхшилашда ўз ифодасини топади. Бу эса аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан оладиган тўловлари ва имтиёзлари 1984 йилда 6,8 процент кўпайишида яққол кўриниб турибди.

Шу фондлардан аҳолининг бепул таълим олиши, бепул медицина ёрдами, нафақалар, пенсиялар, ўқувчиларнинг стипендиялари, ҳар йилги отпускаларга ҳақ тўлаш, санаторий ва дам олиш уйларига бепул ва арзон нарх билан путёвкалар бериш, болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқиш таъминланади.

Уй-жой, транспорт, коммунал ва маиший хизматларнинг ҳақи аҳолининг ҳамма табақалари учун қулай бўлган жуда кам даражада белгиланган, шу мақсад учун қилинадиган харажатларнинг 70 процентга яқини ижтимоий истеъмол фондларидан тўланади.

Бу йил маҳаллий Советларнинг уй-жой фондини сақлашга 50 миллион сўмдан кўпроқ, трамвай ва троллейбус харажатларини қоплашга 20 миллион сўмга яқин пулни республика бюджетидан ажратиб бериш кўзда тутилмоқда.

Болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқишга 260 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади, умумий таълим мактабларида дарсликларни бепул беришга 6 миллион сўмдан зиёд, бепул дори-дармон беришга 4,2 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилади.

1983 йилнинг 1 декабридан бошлаб бир қанча маҳсулотлар ва молларнинг чакана нархлари анчагина камайтирилганлиги партия билан давлатнинг совет кишилари фаровонлигини янада ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигини кўрсатувчи яққол далил бўлди. Аҳоли бундан ҳар йили 2,6 миллиард сўм, шу жумладан Ўзбекистон ССРда 130 миллион сўмдан кўпроқ манфаат кўради.

Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиқлаши учун ҳавола қилинади.

Республиканинг 1982 йилги бюджети даромадлар бўйича 7 миллиард 675 миллион 970 минг сўм миқдорида ёки 103,4 процент, харажатлар бўйича 7 миллиард 455 миллион 222 минг сўм миқдорида ёки 100,5 процент бажарилди, яъни даромадлар харажатлардан 220 миллион 748 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1984 йилги плани ва Давлат бюджетини сўзсиз бажаришни таъминлашга доир конкрет вазифалар кўрсатиб берилди. Биринчи галда бутун диққат-эътиборни план ва бюджетни бажаришга боғлиқ бўлган энг муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратиш зарурлиги таъкидланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархи ва фойда олиш сингари энг муҳим иқтисодий кўрсаткичларни тўла ва ошириб бажаришга алоҳида эътибор берилди.

Барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан тўлатўкис фойдаланиш, моддий ва молиявий ресурсларни қаттиқ тежашни таъминлашга зарур. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун, маиший хизмат соҳасини ҳар томонлама кенгайтириб, аҳолининг тобора ошиб бораётган талабларини қондириш учун мавжуд резервларнинг ҳаммасини ишга солиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Мана шу вазифаларни амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилиш, юксак даражада активлик ва масъулиятлилик кўрсатиш, ҳар бир ишда ҳамда ҳар бир ижрочининг интизомли ва уюшқоқ бўлиши талаб қилинади.

Молия органлари коллективлари юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни муваффақиятли бажариш ва Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетини сифатли ижро этиш учун бутун кучни сарф қиладилар деб, ҳурматли депутатлар, Сизларни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматини ишонтиришга ижозат этгайсизлар. **(Қарсаклар).**

Сессия ҳужжатлари нашр этилди

СССР молия министри В. Ф. Гарбузовнинг «СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» СССР Олий Совети тўққизинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида қилган доклади ва якунловчи нутқи китобча қилиб нашр этилди.

Сиёсий нашриёт чиқарган бу китобчага СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун, СССР Олий Советининг СССР 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ҳам киритилган.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Михаил Васильевич **Егоров**ни бетоблиги сабабли унинг илтимосига кўра СССР кемасозлик саноати министри вазифасидан озод қилди.

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Игорь Сергеевич **Белоусов**ни СССР кемасозлик саноати министри қилиб тайинлади.

Ҳалол меҳнат учун миннатдорчилик

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Михаил Васильевич **Егоров**га партия ва халқ манфаатлари йўлидаги ҳалол меҳнати учун миннатдорчилик изҳор қилди.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ ВА БОШҚА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат И. К. ҲУСНИДДИНОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Партиямиз КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг кўрсатмаларини бажара бориб, мамлакат экономикасини янада ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Пленуми бунинг яққол далилидир. Пленум мамлакатимиз экономикасининг ривожини чуқур таҳлил этди, келгуси даврнинг ўнг муҳим вазифаларини белгилаб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари республика Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани лойиҳасини, 1983 йилги планни бажаришнинг дастлабки якунларини, Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети лойиҳасини, шунингдек 1982 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

1983 йилги планнинг бажарилиш якунлари саноат ишлаб чиқариши ҳажми 5,1 процент ўсганлигини кўрсатади. Меҳнат унумдорлиги 2,4 процент ортди. Пландан ташқари 300 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти реализация қилинди. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш анча кўпайди. 1983 йилнинг ўзида аҳоли учун товарлар ишлаб чиқаришга қўшимча равишда 139 та саноат корхонаси жалб этилди.

Республика шу йилнинг асосий интиҳонидан шараф билан ўтди — пахта тайёрлаш давлат плани муваффақиятли бажарилди. Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшилди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланди.

Комиссиялар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан республика Олий Совети тасдиғига киритилган Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳалари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида ишлаб чиқилган деб ҳисоблайдилар. Бу лойиҳалар беш йиллик планнинг 1984 йилга мўлжалланган топшириқларига ҳамда СССР Олий Совети томонидан республикамиз учун тасдиқлаб қўйилган кўрсаткичларга батамом мувофиқдир.

План лойиҳасига мувофиқ, миллий даромад 4,7 процент ортади, аҳоли жон бошига реал даромадлар — 3,2 процент, ижтимоий истеъмол фондлари — 6,8 процент кўпаяди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 5,4 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 3,9 процент ошириш кўзда тутилган. Халқ истеъмоли товарлари, айниқса сертаклаб молларни ишлаб чиқариш, анча такомиллашган, сифати яхшиланган кийимларни чиқариш янада кўпаяди, товар оборoти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантирилади.

Доимий комиссиялар Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планига мувофиқ ҳолда тузилган деб ҳисоблайдилар. Бюджет даромадлари 7,4 миллиард сўмдан ортиқроқ миқдорда белгиланди. Бу эса планда мўлжалланган барча тадбирларни пул билан таъминлайди.

Доимий комиссиялар 1983 йилги планнинг бажарилишини анализ қилиб, республикамиз халқ хўжалигида мавжуд резервлардан ҳали ҳам тўла фойдаланилмаётганлигини қайд этадилар. Баъзи министрликлар, идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар ишидаги камчиликлар сусткашлик билан йўқотилмоқда.

1983 йилда 61 та корхона маҳсулот реализация қилиш планини 136 миллион сўм миқдорида бажаролмай қолди. План топшириқларини бажармаган корхоналар орасида Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Учқўрғон, Қарши пахта тозалаш ва Когон, Гулистон ёғ-экстракция заводлари, Хива гилам тўқиш комбинати ва бошқалар бор.

СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, Электротехника саноати, Химия саноати министрликлари, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати, Озиқ-овқат саноати, Маҳаллий саноат, Енгил саноат министрликларига қарашли корхоналар ва бошқа баъзи корхоналар ҳам маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаяптилар. Бу ҳол эса план интизомининг бўшашиб кетишига, халқ хўжалик плани кўрсаткичларини моддий-техникавий ресурслар билан таъминлашнинг бузилишига олиб келмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини жадаллаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг муҳим шартидир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилаётган коллективлар бизда оз эмас. Бироқ 200 дан ортиқ корхона меҳнат унумдорлигини ошириш план топшириғини бажаролмай қолди, айрим корхоналар эса бу топшириқни ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан пасайтириб юбордилар. Шулардан «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини, Олмалиқ кон-металлургия комбинатини, «Тоштекстильмаш» заводини, Андижон «Электродвигатель» машинасозлик заводи ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кўпгина корхоналар пландагидан ортиқча ишчилар ишлашига йўл қўйиб келмоқдалар, бу нарса одатда иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига нисбатан тезроқ ўсишига олиб келмоқда. Бундай фактлар Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Озиқ-овқат саноати, Қишлоқ қурилиши министрликларида, Балиқчилик хўжалиги давлат комитетида мавжуд.

Комиссиялар министрликлар ва идораларга, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарга меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини активлик билан жорий этишни, сифатли ва унумли меҳнат қилишга рағбатлантирувчи, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ёрдам берувчи иқтисодий ҳамда ташкилий шароитларни яратиб қўйишни тавсия қилдилар.

Депутатлар халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш резервларини қидириб топишга алоҳида эътибор бердилар. Кейинги вақтларда бу борада яхшигина натижалар қўлга киритилди. Белгиланган планлар умуман бажариб келинмоқда. Бироқ аҳолининг талаби тўла-тўкис таъминланиши учун ҳали ҳамма иш қилинаётир, деб бўлмайди. 100 дан ортиқ корхона ҳамон аҳоли учун зарур товарлар ишлаб чиқармаётир, 137 корхона эса истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планини бажаролмади.

Комиссиялар халқ истеъмоли товарлари ассортименти жуда секин янгиланаётганлигини ва кенгаяётганлигини қайд этадилар. Қариялар киядиган пойабзаллар ҳали ҳам савдога кам чиқмоқда, камёб хонатласдан тикилган хотин-қизлар кўйлаклари сифатсизлиги учун кўпинча сотилмай қолмоқда. Айрим саноат корхоналари савдога ҳамон сифатсиз маҳсулот чиқармоқдалар. Аксари ҳолларда сифатсиз газмоллар, трикотаж буюмлар, чарм пойабзаллар чиқарилмоқда. Болалар пойабзалининг сифатсизлиги ҳақида ҳам кўп таъналар эшитилмоқда.

Кейинги йилларда республикамизда фан ва техника ютуқларини жорий қилиш қўлами анча ортди. Шу билан бирга, илмий тадқиқот институтлари, конструкторлик-технология ташкилотлари, олий ўқув юртлари ишлаб чиқаётган ечимлардан ҳали сust фойдаланилмоқда. Илмий-техникавий тадбирларни жорий этишдан олинаётган иқтисодий самара ҳамон паст бўлиб қолмоқда, бу тадбирларнинг аксари қисми эса кенг қўлланилмаётир.

Капитал қурилишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Кўпгина министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг топшириқларини муддатларида бажармай келмоқдалар. 1983 йилнинг 11 ойи ичида 2,8 миллиард сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилдики, бу йиллик планнинг 57 процентини ташкил қилади. Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Озиқ-овқат саноати, Гўшт-сут саноати, Пахта тозалаш саноати, Маҳаллий саноат, Савдо ва Маданият министрликлари, Балиқчилик хўжалиги давлат комитети, Главташкентстрой ва бир қатор бошқа министрлик ҳамда идораларда асосий фондларни ишга тушириш плани дуруст бажарилмаган.

Депутатлар шу нарсани айниқса ташвишланиб қайд этадиларки, Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги, Алоқа, Соғлиқни сақлаш, Маданият, Енгил саноат, Энергетика ва электрлаштириш, Қишлоқ хўжалик министрликлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Жиззах, Бухоро, Сурхондарё ва Тошкент область ижроия комитетлари уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини бажаролмадилар. Умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар қуриш учун ажратилган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмади.

Бундай аҳвол юз беришининг асосий сабабларидан бири шундаки, пудрат ташкилотлари қониқарсиз ишламоқдалар. Масалан, ишлаб чиқариш аҳамиятига молик бўлган энг муҳим қурилишлар бўйича пудрат ишларининг умумий ҳажми Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги олиб бораётган 57 қурилишдан 39 тасида, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги олиб бораётган 14 қурилишдан 6 тасида бажарилмай қолган.

План интизомини бузиш, маблағлардан нотўғри фойдаланиш, уларни сарфламай тўхтатиб қўйиш, қурилиш ишларининг норматив муддатларига риоя қилмаслик ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Шу билан бирга, аксари қурилиш ташкилотлари планда кўзда тутилмаган объектларда қурилиш ишлари олиб боришни давом эттирмоқдалар.

Депутатлар мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалаларига кўп эътибор бердилар. Улар, чунончи, республикада пиллакашлик корхоналари чиқиндиларидан фойдаланилмаётганлигини мутлақо нотўғри деб ҳисоблайдилар. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида камида 10 миллион погон метр миқдорида шойи газлама олиш мумкин эди. Бундай чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини қуриш масаласи эса бир неча йиллардан бери ҳал қилинмаётир. Комиссиялар республика Госплани мазкур масалани яна бир бор қараб чиқиши зарур деб ҳисоблайдилар.

Комиссиялар қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда тшкилотлари ишида талайгина камчиликлар ва резервлар мавжудлигини қайд этиб ўтдилар.

Совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда меҳнат, моддий ва молиявий чиқимларни тежаш учун дуруст кураш олиб борилмаяпти. План, молия ва ҳисоб-китоб интизомини жиддий равишда бузишларга йўл қўйилмоқда.

Янги ерларни комплекс ўзлаштириш ҳамон муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари ўтказган текширишлар шуни кўрсатадики, бир қанча районларда ерларни ирригация ва мелиорация ишларидан тайёрлаш билан ишлаб чиқариш объектлари ва граждан қурилиши ўртасида номутаносиблик мавжуд.

Айниқса Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги системасидаги совхозларда комплекс қурилиш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Уларда уй-жой қурилиши ғоят орқада қолмоқда, чорвачилик ва ишлаб чиқариш бинолари, маданий-маиший объектлар етишмайди.

Депутатлар паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги камчиликларга ҳам жиддий эътибор бердилар. Кўпгина паррандачилик фабрикаларида қувватлардан самарасиз фойдаланилмоқда, натижада эса халқ хўжалиги анчагина миқдорда тухум ва парранда гўшти ололмай қолаётир.

Комиссиялар 1984 йилги план билан бюджет лойиҳаларини ҳамда 1983 йилги планнинг ижроси якунларини кўриб чиқар эканлар, иқтисод-тежамкорлик режимига риоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари ички резервларни синчковлик билан ахтариб топмоқдалар, хом ашё, материаллар ва электр энергиясини тежаш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажармоқдалар. Лекин айни вақтда Ўзбекистон ССР Энергетика ва Бинокорлик материаллари саноати министрликлари, СССР Рангли металлургия министрлиги корхоналари ёнилги ва иссиқлик энергиясини анча ортиқча сарфлаб юборганлар. «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида, Андижон машинасозлик заводида, «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа бир қатор корхоналарда металл прокатидан рационал фойдаланиш таъминланмаган.

Автомобиль транспорти ва алоқа корхоналарида ҳаракат составидан фойдаланиш ва телефон станцияларининг асосий фондларини ишлатиш борасидаги камчиликлар йўқотилган эмас.

Доимий комиссиялар шу нарсани мамнуният билан қайд этадиларки, республикада ҳар йили атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун катта маблағлар ўзлаштириб келинмоқда. Бироқ, айрим маҳаллий Советлар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу масалага етарли аҳамият бермаётирлар. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати, Маҳаллий саноат, Қишлоқ хўжалиги ва Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети табиатни муҳофаза қилиш объектлари қуриш ва уларни ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқларни бир неча йиллардан бери бажармай келмоқдалар.

Сув ресурсларидан фойдаланишга оқилона муносабатда бўлиш ҳамма вақт ҳам таъминланаётгани йўқ. 1982—1983 йилларда контроль қилувчи органлардан рухсат олмаган ҳолда суткасига 30 минг кубометр сув чиқарувчи 230 та қудуқ қазилган. Бундай қудуқларни плансиз пармалаш сув ости запасларининг барвақт камайиб қолишига олиб келмоқда, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишини оғирлаштириб қўйиши мумкин.

Аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш ва олиб борилаётган профилактика тадбирлари сифати қўйилган талабларга ҳали тўла жавоб бермайди. Бир қанча районларда янги туғилган чақалоқларни кузатиб туриш қониқарсиз уюштирилган. Даволаш-профилактика муассасалари гўшт ва сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар билан етарли таъминланмаётир, шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлардан эса тўлиқ фойдаланилмаётир.

Аҳолига маиший хизматни анча яхшилаш керак. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги системасидаги ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмаяпти, ҳамма жойда ҳам комплекс қабул пунктлари ташкил этилмаган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани лойиҳасини кўриб чиқиб, уни тасдиқлашни таклиф этадилар.

Комиссиялар министрликлар ва идоларнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қўшимча маблағлар ажратиш тўғрисидаги илтимосларини кўриб чиқиб, уларга ажратиладиган маблағларни жами 13 миллион 760 минг сўм миқдорида, шу жумладан: даволаш-профилактика муассасаларини медицина асбоб-ускуналари билан таъминлаш учун 4 миллион 340 минг сўм миқдорида, қишлоқ жойлардаги умумий таълим мактабларига инвентарь сотиб олиш, уларни жиҳозлаш ва капитал ремонт қилиш учун 6 миллион 420 минг сўм миқдорида, қишлоқ маданий-оқартув муассасаларини капитал ремонт қилиш учун 800 минг сўм миқдорида, шаҳарлар, район ва қишлоқ марказлари ҳамда шаҳар типидаги посёлкаларни ободонлаштириш учун 2 миллион 200 минг сўм миқдорида кўпайтириш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Таклиф қилинган ана шу тузатишларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетини 7 миллиард 419,3 миллион сўм миқдорида тасдиқлашни таклиф этадилар.

Доимий комиссиялар Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиб, бюджетни даромадлар бўйича 7 миллиард 675 миллион 970 минг сўм ва харажатлар бўйича 7 миллиард 455 миллион 222 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 220 миллион 748 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлигини тасдиқлашни ҳам таклиф этадилар.

Республика меҳнаткашлари беш йиллик учинчи йили топшириқларини адо этиб бўлдилар. Улар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ғоят жўш урган бир вазиятда янгидан янги муваффақиятлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. **(Қарсаклар).**

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

Халқнинг яқдил хоҳиш-иродаси

(Боши биринчи бетда).

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими ер қобиғи институтининг коллективи СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Шарқий Сибирь филиали президиумининг раиси СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси **Николай Алексеевич Логачевни** Иркутск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Куйбишев областидаги «1 Май» колхозининг меҳнаткашлари колхознинг илғор сут соғувчиси **Галина Михайловна Ятмановани** Сергиевск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Оренбург область Гай районидаги «Уральская» паррандачилик фабрикаси коллективининг йиғилишида фабрика инкубаторияснинг оператори **Валентина Николаевна Михайловна** Целинний сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Саратов область Татишчев районидаги Киров номли колхоз меҳнаткашлари хўжалик раиси **Анна Ивановна Портновани** Аткарск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Уфадаги ёзув машиналари заводининг коллективи электромонтажчи **Сабирьян Габдрауфович Алдакаевни** Уфа сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Қалмоқ автоном область Сарпа районидаги «Кануковский» совхозининг коллективи электр пайвандчи **Зоя Дмитриевна Кулаковани** СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилди.

Карелия АССРдаги «Ильинский» совхози меҳнаткашлари хўжаликнинг чорвачилик бригадаси бошлиғи **Валентина Ивановна Палечкована** Олонец сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Коми АССРдаги Инта локомотив депосининг коллективи ВЦСПС раиси **Степан Алексеевич Шалаевни** Инта сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Шимолий Осетия АССРдаги Ардон районидаги «Ардон» совхозининг меҳнаткашлари мазкур хўжалик сут-товар фермасининг бригадири **Светлана Александровна Ревазовани** Киров сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Тува АССР Монгунтайгин районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозининг ишчи ва хизматчилари чўпон **Борис Дамдинович Тейнини** Бай-Тайга сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Грузия ССР Цхакая районининг Эки қишлоғидаги «Коммунисти» газетаси номли колхоз аъзолари чойкор **Марина Дантиевна Хоперияни** Цхакая сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Озарбайжон ССР Фузулий районидаги «1 Май» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Шамама Маҳмудали қизи Гасановани** шу хўжалик меҳнаткашлари Ағжабеди сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Молдавиядаги «Победа» колхози меҳнаткашларининг йиғилишида Молдавия давлат опера ва балет театрининг солисти, СССР халқ артисти **Мария Лукьяновна Биешу** Котовский сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Молдавия ССР Вулканешти районидаги «Советский пограничник» колхози меҳнаткашларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Колхоз раиси **Георгий Георгиевич Картофяну** Кагул сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Норин областидаги СССР 60 йиллиги номли чорвачилик ва ветеринария Тянь-Шань тажриба станцияси коллективининг йиғилишида бош чўпон **Света Алискаковна Султонова** Тянь-Шань сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Қарағанда областидаги «Первомайский» совхозининг ишчилари, мутахассислари, қишлоқ зиёлиларининг вакиллари хўжалик механизатори **Нурбақит Кабдикаримовани** Қарағанда-Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Грузия ССР Цхакая районининг Эки қишлоғидаги «Коммунисти» газетаси номли колхоз аъзолари чойкор **Марина Дантиевна Хоперияни** Цхакая сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Озарбайжон ССР Фузулий районидаги «1 Май» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Шамама Маҳмудали қизи Гасановани** шу хўжалик меҳнаткашлари Ағжабеди сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Туркманистон ССР Мари сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Туркманқалъа районидаги «Комсомол» колхозининг коллективи шу хўжаликнинг чорвачилик фермаси мудири **Оразгул Сахедовани** Туркманистон ССР Байрамали сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилди.

«Таллинстрой» трести сувоқчиларининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Владимир Георгиевич Минзу** трест коллективининг йиғилишида Таллин-Мустамяэ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

В. Кингисепп номли Таллин давлат академик театрининг коллективи Эстония ССР Театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти **Юрий Евгеньевич Ярветни** Таллин-Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

(ТАСС).

* * *

Тошкент область, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида сайловолди йиғилиши зўр активлик вазиятида ўтди. Шу колхоз илғор пахтачилик бригадасининг раҳбари **Фикрет Сефершаевни** хўжалик меҳнаткашлари 121-Янгийўл сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига яқдиллик билан номзод этиб кўрсатдилар.

КПСС XXVI съезди номли Нукус уйсозлик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишида комбинат кранчиси **Татьяна Михайловна Макарованн** 563-Нукус сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Фарғона область, Риштон районидаги Навоий номли пахтачилик совхозида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари хўжалик механизатори **Кароматхон Бойболаевани** 610-Ленинград сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига ўз номзодлари этиб кўрсатдилар.

Қашқадарё область, Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг меҳнаткашлари хўжаликнинг илғор сут соғувчиси **Тўлган Хўжамовна Бўроновани** 585-Ғузор сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига бир овоздан номзод этиб кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

ДОҲИЙГА САДОҚАТ РАМЗИ

ГАВАНА, 10 январь. (ТАСС мухбирлари). Бу ерда Владимир Ильич Ленин ҳайкалини тантанали очиш маросими бўлди. Гавана паркида (бу парк Ленин номига қўйилган) жаҳон пролетариати йўлбошчисининг Америка қитъасидаги биринчи монументи ўрнатилган. Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро, Кубанинг бошқа раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев бошчилигидаги Совет партия-давлат делегацияси шу паркка келдилар. Куба пойтахтининг минг-минглаб меҳнаткашлари уларни қизғин табрикладилар.

...Оқ мармардан ишланган улуғвор монументнинг шакли ҳилпираб турган байроқни эслатади. Унинг фонида В. И. Ленининг уч метрли ҳайкали яққол кўриниб турибди. Ҳайкал Кубанинг ёшлар оролида қазиб олинган машҳур «садаф» мармаридан ишланган. Мармарга Ф. Кастронинг «Ленин аввал бошданоқ сиёсат назариётчисигина эмас, шу билан бирга ҳаракатчан инсон, бир лаҳза ҳам тўхтамайдиган доимий революцион амалиёт кишиси бўлган эди», — деган сўзлари ва имзоси ўйиб ёзилган.

Куба республикаси билан Совет Иттифоқининг давлат байроқлари барабанларнинг садолари остида тантана билан олиб чиқилиб, монумент ёнига ўрнатилади. Куба ва СССР давлат Гимнлари янграйди. Куба миллий байроғига ўхшатиб янги очилган гуллардан тайёрланган гулчамбар ҳайкал пойига қўйилади.

Ҳайкални очиш маросимида Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, маданият министри Армандо Харт билан П. Н. Демичев нутқ сўзладилар.

Митинг охирида «Интернационал» тантанали равишда ижро этилади.

ГКП СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ

НЮРНБЕРГ, 10 январь. (ТАСС мухбирлари). Тинчлик учун, мамлакатда Американинг биринчи зарба урувчи ракета-ядро қуролларини жойлаштиришга қарши, социал ва иқтисодий ҳуқуқлар учун курашда ГФР меҳнаткашларининг жанговар авангарди — Германия Коммунистик партиясининг VII съезди кеча бу ерда ўз ишини якунлади.

Ғарбий Германиянинг 50 минг кишидан зиёд коммунисти номидан иштирок этаётган 800 дан кўп съезд делегати уч кун мобайнида бирлик ва жипслик вазиятида ишлади. Коммунистлар анжумани партиянинг аввалги, ГКП Ганновер съезидидан кейинги фаолиятининг ажойиб якунларини чиқарди, мамлакат территориясида Американинг «Першинг-2» ва қанотли ракеталарини жойлаштиришга қарши, монополиялар ва реакция кучларининг ГФР меҳнаткашлари ҳаётий ҳуқуқларига қилаётган ҳужумига қарши курашни янада кучайтиришда Германия Компартиясининг вазифаларини муҳокама этди.

Съезд ишида 40 дан кўп қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг, миллий озодлик ҳаракатларининг намояндалари иштирок этишди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов, Нюрнберг анжуманида КПСС делегациясига бошчилик қилди.

Съезд делегатларининг нутқларида коммунистлар Ғарбий Германия гражданларига КПСС ва Совет давлатининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини тушунтириш борасидаги масъулиятини таъкидладилар. ГКП правлениесининг 1984-йилни тинчлик ҳамда хавфсизлик учун кураш ва ҳаракат йилига айлантириш тўғрисидаги даъватини съезд қўллаб-қувватлади.

Анжуман яқдиллик билан қабул қилган резолюцияда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашда, ва бошқа масалаларда партиянинг бундан буёнги ҳаракат программаси баён этиб берилган.

Съездда партиянинг раҳбар органлари сайланди. Герберт Мис яна ГКП Раиси, Герман Готье Раис ўринбосари қилиб сайланди.

Съезд охирида «Интернационал» ижро этилди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р. 08016. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 9. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15